
КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Коронавирус инфекцияси ўзини эҳтиёт қилмаган, карантин қоидаларига амал қилмаган одамларни аяб ўтирмаяпти. Касалликни юктириб, оила аъзоларини, яқинларини хавфда қолдирмоқдалар. Касалликка чалинмасликнинг йўли – инфекцияга қарши эмланиш ва карантин қоидаларига тўлиқ амал қилишдир. Туманимизда эмлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Вакцина қабул қилмаган бўлсангиз, зудлик билан ҳудудингиздаги шифохонага мурожаат қилиб, эмланинг! Шундагина ўз саломатлигингиз ва яқинларингизни эҳтиёт қилган бўласиз. Туман СЭОМ ва ЖСБ ходимлари Дилфуза Муқимова ва Зарнигор Маърупова туман ҳокимлиги Ахборот хизмати ва “Марказий Фарғона” газетаси биносида бўлишиб, дезинфекция ишларини олиб бордилар. Бу борада жойларда амалга оширилаётган ишлар, карантин қоидалари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Раҳматилло ШОДМОНОВ.

2021-07-27 08:57:29